«DORI – DARMON» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ
8/25 – СОН БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри **2025 йил 15 октябрь**

Мажлис ўтказилган жой: «DORI – DARMON» акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар, Т.Шевченко кўчаси, 42а уй.

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаши аъзолари:

Абуталиев Фархад Фарадеевич
Софаров Шухрат Уралович
Дусматов Азиз Файзаматович
Шеин Виктор Степанович
Абуталиева Гузаль Фарадиевна
Ахматов Давранбек Журайевич
Мустафаев Зафар Бўрибоевич

Мажлис кворуми: 77,77%. Ушбу мажлисда Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Фазилкаримов Отабек Рустамович ва Ташпулатов Фарходжон Мухаммаджонович иштирок этишмади.

Таклиф этилганлар:

М.Дусмуратов	Бошқарув раиси
А.Камилов	Бошқарув раиси ўринбосари
А.Нажмитдинов	Ривожлантириш ва инвестиция директори
А.Эргашев	Ички аудит хизмати бошлиги
О.Қодиров	Инвестиция маслахатчисининг вакили

КУН ТАРТИБИ:

1. Компания Бошқарув раиси М.М.Дусмуратовнинг 2025 йил 30 сентябрдаги эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, ҳамда Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчисини тайинлаш тўғрисида *(маърузачи Ф.Абуталиев).*

2. Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган махсус текширув натижаларини кўриб чиқиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мустақил аудит ўтказиш тўғрисида *(маърузачи М.Дусмуратов).*

3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида *(маърузачи Ф.Абуталиев).*

КУН ТАРТИБИНИНГ МУҲОКАМАСИ

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси Ф.Абуталиев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларини «DORI–DARMON» АК Бошқарув раиси М.М.Дусмуратовнинг ўз ҳоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисидаги 2025 йил 30 сентябрдаги аризаси билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя килиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддасига мувофик, жамиятнинг ижроия органини

тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра ёки Компания уставига асосан кузатув кенгаши мажлиси ваколат доирасига киритилиши мумкин. Компания Уставининг 15.5-бандига кўра, Компания ижроия органи раҳбари (Бошқарув раиси) ўз вазифасини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган ҳолда, унинг ваколатлари муддатидан олдин тугатиш ва Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчисини тайинлаш Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киради.

Шунга кўра, Компания Бошқарув раиси М.М.Дусмуратовнинг аризасини қаноатлантириш, ҳамда А.А.Комилов «DORI–DARMON» АК Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига ўтказиш таклиф киритилди.

Мазкур масала Кузатув кенгаши аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг, қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компания Бошқарув раиси Дусмуратов Мирзаназим Мирзабекович 2025 йил 30 сентябрдаги аризасига асосан эгаллаб турган лавозимидан ўз хоҳишига кўра озод этилсин ва у билан тузилган меҳнат шартномаси 2025 йил 15 октябрдан бекор қилинсин.

2. Компания Бошқарув раиси ўринбосари Комилов Абдуғани Абдунабиевичга акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача Компания Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи вазифаси юклатилсин.

3. Комилов Абдуғани Абдунабиевичга Бошкарув раиси вазифасини вактинча бажарувчи лавозимига тегишли қонунчилик ва ички меърий хужжатлар билан белгиланган вазифалар ва мажбуриятлар юклатилсин ҳамда ўрнатилган тартибда барча ҳуқуқ ва ваколатлар берилсин.

4. Комилов Абдуғани Абдунабиевичнинг ойлик иш ҳақи миқдори у билан тузиладиган меҳнат шартномасида иловага мувофиқ белгилансин ҳамда меҳнат шартномани Компания номидан имзолаш Компания Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

5. «DORI–DARMON» АК Бошқарув раиси лавозимига номзодларни танлаб олиш тўғрисида"ги регламент талабларига мувофиқ Компания Бошқарув раиси лавозимига танлов эълон қилинсин ҳамда танлов матни 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 7 та овоз, 100%; **Қарши** – 0 та овоз, 0%; **Бетараф** – 0 та овоз, 0%.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Кузатув кегаши раиси Ф.Абуталиевнинг сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 7 октябрдаги 02/09-2-17/2085-сонли хати билан таништирди.

Мазкур хатда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган аудит натижалари бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан келиб тушган кўрсатмага мувофиқ, Компания фаолиятида қуйидаги ҳолатлар аниқланганлиги маълум қилинди:

- Компаниянинг 2023-йил якуни бўйича ҳисоботида харажатлар асоссиз равишда 6 900,5 млн сўмга камайтирилганлиги, соф фойда сунъий равишда 8 211,2 млн сўм миқдорида шакллантирилганлиги;
- Шунингдек, Компания томонидан консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш мажбурий ёки мажбурий эмаслиги ва унинг соф фойдага таъсирини ўрганиш зарурлиги;
- ушбу ҳолатларни аниқлаш ва тегишли чораларни кўриш мақсадида Компанияда мустақил аудит ташкилотини жалб этган ҳолда махсус аудит текширувини ўтказиш зарур деб ҳисобланади.

Аудит натижалари бўйича хулоса тайёрланиб, Давлат активларини бошкариш агентлигига ахборот киритилиши лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 75-модда ҳамда Компания уставининг 15.5. бандига асосан, аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш кузатув кенгаши ваколати доирасига киради.

Шу билан бирга, аудиторлик ташкилотини танлов ўтказиш орқали танлаб олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш таклифи киритилди.

«DORI–DARMON» акциядорлик компанияси молиявий – хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш бўйича танлов матнини 1-иловага мувофиқ Компания расмий веб-сайтида (www.doridarmon.uz) ҳамда Корпоратив ахборот ягона порталида (new.openinfo.uz/ru/) эълон қилиш ва танлов бўйича таклифлар бериш муддатини 2025 йил 15 октябрдан 20 октябргача бўлган муддатга белгилаш таклиф этилди.

Шундан сўнг Компания кузатув кенгаши аъзоси Ш.Софаров сўзга чиқиб, Компания томонидан Компания улуши 50 фоиздан юқори бўлган 12 та АЖ ва МЧЖларнинг молиявий ҳисоботларини инобатга олган ҳолда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш мажбурийлиги ёки мажбурий эмаслиги юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясидан хулоса олишлиги кераклигини таъкидлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб Компания акциядори хатини маълумот ва ижро учун қабул қилиш таклиф қилинди.

Муҳокамадан сўнг, қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 7 октябрдаги 02/09-2-17/2085-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Компания фаолиятини шаффофлик ҳамда қонунчилик талабларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлаш ва ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган аудит натижаларида аниқланган камчиликларни кўриб чиқиш мақсадида махсус масала бўйича мустақил аудит ташкилотини жалб этган ҳолда аудит текширувидан ўтказилсин.

3. Компания молиявий – хўжалик фаолияти бўйича мустақил аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича танлов матни Компания расмий веб-сайтида (www.doridarmon.uz) ҳамда Корпоратив ахборот ягона порталида (new.openinfo.uz/ru/) 2-иловага мувофиқ эълон қилинсин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясидан Компания молиявий ҳисоботларини консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш бўйича тегишли хулоса олиш ижро органига юклатилсин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 7 та овоз, 100%; **Қарши** – 0 та овоз, 0%; **Бетараф** – 0 та овоз, 0%.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси Ф.Абуталиев сўзга чиқиб, Узбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тугрисида”ги Конунига ва Компания уставига мувофик, Компания акциядорлариининг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш Кузатув кенгаши ваколати доирасига киришини маълум килди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2025 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган Компания биносининг

мажлислар залида ўтказиш таклиф қилинди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш вакти:

-Йиғилиш бошланиш вакти 11:00;

-Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 10:00 да бошланади;

-Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 10:50 да тугайди.

Кейинги ўринда акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар (кун тартиби) кўриб чиқилди, акциядорларни хабарлантириш ва йиғилишда иштирок этишлари учун реестрни тузиш саналари белгиланди, умумий йиғилишни ўтказиш ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида акциядорларга тақдим этиладиган маълумот (материаллар) рўйхати, йиғилишда овоз бериш учун бюллетеннинг шакли ва матни ва санок комиссия таркиби кўриб чикилди.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги масала овозга қўйилди:

1.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилсин;

1.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2025 йил 14 ноябрь санасида ўтказилсин;

1.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Тошкент шаҳри. Шайхонтоҳур тумани, Чорсу кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган Компания биносининг мажлислар залида ўтказилсин;

1.4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш вакти:

-йиғилиш бошланиш вакти 11:00;

-акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 10:00 да бошланади;

-акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 10:50 да тугайди.

1.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

2. «DORI-DARMON» АК томонидан «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти Мирзо Улуғбек филиалидан 3 450 000 (уч миллион тўрт юз эллик минг) АҚШ доллари миқдорида банк кафолати олиш тўғрисида.

1.6. Компания акциядорлари реестрини тузиш саналари қуйидагича тасдиқлансин:

1) Компания акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорлари реестри 2025 йил 15 октябрь ҳолатига;

2) Компания акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш учун Компания акциядорлари реестри 2025 йил 10 ноябрь.

1.7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш қуйидагича амалга оширилсин:

- 2025 йил 15 октябрь санасига шакллантирилган Компания акциядорлари реестри маълумотлари асосида хар бир акциядорнинг электрон почта манзилларига хат жўнатиш орқали;

- оммавий ахборот воситаларида, ягона корпоратив маълумотлар порталида ва Компаниянинг корпоратив (веб) сайтида навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг сана, вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисидаги маълумотни эълон қилиш;

1.8. Умумий йиғилишда овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни 3-иловага мувофик тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 7 та овоз, 100%; **Қарши** – 0 та овоз, 0%; **Бетараф** – 0 та овоз, 0%.

КЕНГАШ ҚАРОР ҚИЛДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

1. Компания Бошқарув раиси Дусмуратов Мирзаназим Мирзабекович 2025 йил 30 сентябрдаги аризасига асосан эгаллаб турган лавозимидан ўз хоҳишига кўра озод этилсин ва у билан тузилган меҳнат шартномаси 2025 йил 15 октябрдан бекор килинсин.

2. Компания Бошқарув раиси ўринбосари Комилов Абдуғани Абдунабиевичга акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача Компания Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи вазифаси юклатилсин.

3. Комилов Абдуғани Абдунабиевичга Бошкарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига тегишли қонунчилик ва ички меърий хужжатлар билан белгиланган вазифалар ва мажбуриятлар юклатилсин ҳамда ўрнатилган тартибда барча хукук ва ваколатлар берилсин.

4. Комилов Абдуғани Абдунабиевичнинг ойлик иш ҳақи миқдори у билан тузиладиган меҳнат шартномасида иловага мувофиқ белгилансин ҳамда меҳнат шартномани Компания номидан имзолаш Компания Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

5. "«DORI–DARMON» АК Бошқарув раиси лавозимига номзодларни танлаб олиш тўғрисида"ги регламент талабларига мувофиқ Компания Бошқарув раиси лавозимига танлов эълон қилинсин ҳамда танлов матни 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 7 октябрдаги 02/09-2-17/2085-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Компания фаолиятини шаффофлик ҳамда қонунчилик талабларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлаш ва ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган аудит натижаларида аниқланган камчиликларни кўриб чиқиш мақсадида махсус масала бўйича мустақил аудит ташкилотини жалб этган ҳолда аудит текширувидан ўтказилсин.

3. Компания молиявий – хўжалик фаолияти бўйича мустақил аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича танлов матни Компания расмий веб-сайтида (www.doridarmon.uz) ҳамда Корпоратив ахборот ягона порталида (new.openinfo.uz/ru/) 2-иловага мувофик эълон килинсин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясидан Компания молиявий ҳисоботларини консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш бўйича тегишли хулоса олиш ижро органига юклатилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

1.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакирилсин:

1.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2025 йил 14 ноябрь санасида ўтказилсин;

1.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Чорсу кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган Компания биносининг мажлислар залида ўтказилсин;

1.4. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилишини ўтказиш вакти:

-йиғилиш бошланиш вакти 11:00;

-акциядорларни рўйхатдан ўтқазиш соат 10:00 да бошланади;

-акциядорларни рўйхатдан ўтқазиш соат 10:50 да тугайди.

1.5. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши кун тартиби куйидагича тасдиқлансин:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

2. «DORI-DARMON» АК томонидан «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти Мирзо Улугбек филиалидан 3 450 000 (уч миллион тўрт юз эллик минг) АҚШ доллари миқдорида банк кафолати олиш тўғрисида.

1.6. Компания акциядорлари реестрини тузиш саналари қуйидагича тасдиқлансин:

1) Компания акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорлари реестри 2025 йил 15 октябрь ҳолатига;

2) Компания акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш учун Компания акциядорлари реестри 2025 йил 10 ноябрь.

1.7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш қуйидагича амалга оширилсин:

- 2025 йил 15 октябрь санасига шакллантирилган Компания акциядорлари реестри маълумотлари асосида хар бир акциядорнинг электрон почта манзилларига хат жўнатиш орқали;

- оммавий ахборот воситаларида, ягона корпоратив маълумотлар порталида ва Компаниянинг корпоратив (веб) сайтида навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг сана, вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисидаги маълумотни эълон қилиш;

1.8. Умумий йиғилишда овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни 3-иловага мувофик тасдиқлансин.

Кун тартибидаги масала бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, кузатув кенгашининг раиси мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Ушбу мажлис баёни 2025 йил «___» октябрь куни имзоланди.

Мажлис раиси _____ **Ф.Ф.Абуталиев**

Котиб _____ **А.Ж.Нажмитдинов**

«DORI – DARMON» АК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Софаров Шухрат Уралович

Дусматов Азиз Файзаматович

Шеин Виктор Степанович

Абуталиева Гузаль Фарадиевна

Ахматов Давранбек Журайевич

Мустафаев Зафар Бўрибоевич